



2016/09 №41

# IJODIY PARVOZ

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ta'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasи

## ЭЗГУЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙÜЛИДАГИ ФИДОЙИ ИНСОН ЭДИ...

Мамлакатимиз, бутун ҳалқимиз оғир жудолиска учради. Булоқ давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов 2016 йил 2 сентябрь куни оғир хасталик туфайли вафот этди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳақиқатан булоқ тарихий шахе эди. Ислом Каримовнинг қатъияти ва жасорати билан республика мустақилликка эришиди ва ўз тараққиёт йўлида улкан муваффақиятларни қўлга киритди.

Ислом Абдуганиевич Каримов 25 йил давомида мустақил Ўзбекистонни бошқариб, очиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг чукур йўланган стратегиясини ишлаб чиқсан ва уни амалга оширган булоқ давлат арбоби сифатида мамлакатимизда ва ҳалқаро майдонда юксак обўр-эътибор қозонди.

Ўзбекистон ҳалқи истиқлол йилларида эришилган барча олам-шумул ютуқлар ва натижаларни мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ деб билади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистонда барча соҳада кенг кўламли таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада Ўзбекистоннинг дунёда энг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган иқтисодиётга эга бўлган бешта давлат қаторидан жой олгани ислоҳотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Ислом Абдуганиевич Каримов ўз ҳаётининг асосий қисмини минтақамизда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга бағишилади.

Президентимизнинг узоқини кўзлаган дено сиёсати, матонати, жасорати билан Ўзбекистон тинчлик ва осойиштарилик барқарор, турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро ҳамжихат, аҳил ва тутувлика истиқомат қиласатни мамлакатга айланди.

Ислом Абдуганиевич Каримов мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган ёшларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартириди, навқирон авлодни тарбиялаб, вояга етказишнинг янги принципиал тизимини ташкил қилиш ва уни ҳаётга жорий этиш ишларига бевосита раҳбарлик қилди.



Мұхтарам Президентимиз доимо ёшларни «Менинг азиз фарзандларим!» дер эдилар.

«Мен ёшларимизга, менинг болаларимга қаратса, ўрганишдан ҳеч қаҷон чарчаманглар, деб айтмоқчиман. Ўрганиш, интилиш ҳеч қаҷон айб саналмайди. Ниманидир билмасант, уни ўрганиш зарур.

Авламомбор, энди ҳаётга кириб келаётган ёшларга нима лозим? Ўрганиш, ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш керак. Касб ўрганган, илм ўрганган киши, ўзбекона айттанди, ҳеч қаҷон кам бўлмайди», — дейилади «Она юртимиз бахту иқболи ва булоқ келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодат-дир» китобида.

Шу ўринда, «ўрганиш» сўзига алоҳида эътибор берайлик. Нега айнан ўрганинг дейилмоқда? Чунки факат билим, ўқишининг ўзи билан кўп нарсага эришиб бўлмайди. Билимларни қўллай билиш керак. Ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг маънозмазмунини ҳам, касб-хунарни ҳам нафақат ўқиб, балки кузатиб, қўллаб кўриб, ўрганилади. Хуласа, «ўргани олган» киши билгандарини бажариб кўрсата олади.

Хулоса ўрнида Президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтамиш. «Эй болам, сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетакор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарнинг хоки шу

ерда ётиби. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, химоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуорний қарияларимизнинг ҳаётини ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ».

Президентимиз Ислом Каримов номи Ватанинг тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилади, хотираси ҳалқимиз қалбидан ҳеч қаҷон учмайди.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ  
Институт ректори

## МАНГУ ВА ПОРЛОҚ ХОТИРА

Қани энди, менга дунё минбарида туриб нутқ сўзлаш имконияти берилганида эди, мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, ақдан, маънан, жисмонан етук инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида фарҳанланганча соатлаб гапирган бўлардим.

Истиқололимизнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда ёшлар масаласи ғоят мухим ва устувор йўналишлардан бирни сифатида ёътироф этилди ва ўтган йиллар давомида соҳа ривожи йўлида ҳажман катта, сифат жиҳатдан юқори натижаларга эришилди.

Шубҳасиз, буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов номи билан боғлиқдир.

Президентимизнинг хотирасига бағишилаб институтимизнинг ўқув театрида ташкил этилган «Хотира дарсси»да ҳам айнан мана шу жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Булоқ раҳбаримизнинг Ватан равнақи, ҳалқимиз олдидаги булоқ хизматларини,

матонати ҳамда жасоратини ёдга олиш мақсадида ташкил этилган мазкур дарсда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотла-




рининг мутасаддилари, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарбиботчилари, тарихчи олимлар, сиёсатшунослар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ректоримиз, профессор Бахтиёр Сайфуллаев, Маданият ва спорт ишлари вазiri биринчи ўринбосари Фотиҳ Жалолов, Халқ артистлари Муҳаммадали Абдукундузов, Эркин Комилов, сиёсатшунослик фанлари ном-

зоди Нигора Умаровалар ўз нутқларида юргибошимизнинг улкан яратувчанилик қобилияти, юрт тинчлиги, ҳалқ фарононлиги, миллатлар осойиштарилиги, санъат, маданият соҳалари ривожи йўлида амалга оширган ислоҳотлари, жумладан Ўзбекистон давлат санъати ва маданият институтининг ташкил топшидаги ҳиссалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтиди.

Йиғилганлар Президентимизнинг таржи-маҳоли билан таништирилгач, маҳсус мониторда намойиш этилган фильмда Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакат мустақил



## Марсия

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишиланади.

Булоқ ҳалқим эрта тонгдан, Турна қатор чиҳни кўчага. Кўлларида гул рўмолча, Видо учун азиз отага.

Булоқ қайғу буқди қаддимиз, Жудо бўлдик булоқ инсондан. «Алвидо» дер озод наслингиз, Сиз кетарсиз обод макондан.

Давримизнинг булоқ инсони, Юракларга жонидай яқин. Йилгаб қолди Ўзбекистони, Осмонларни йиртгандай ҳақин.

Тавзияда кўп узоқ эллар, Мотамсаро юрак парчаси. Сиз бошлаган улуғвор йўллар — Азим юртнинг порлоқ эртаси. Руҳингизни шод этсин абад, Сиз қолдирган эзгу амаллар. Дуо қилиб сўраймиз мадад, Тиловатдан ясаб гулчамбар.

Исоктой ЖУМАНОВ  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёщлар мураббийи, Саҳна нутқи кафедраси доценти

тараққиёт дастурини ишлаб чиқсан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбоби, юртимизда амалга оширилган улкан ислоҳотлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси сифатидаги хизматлари ҳақида фикр юритилди.

Бобур ҳазратлари инсоннинг умри тўрт жиҳат билан абадий эканлигини ёзди: яратган иморатлари, барпо этган боғлари, ёзган китоблари ва тарбиялаган комил фарзандлари билан.

Ислом Каримов даврида ҳашаматли бинолар қад ростлади, кўркам боғ-роёлар барпо этилди, минглаб асарлар яратилди, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол ва баҳти бутун йигит-қизлар камол топди. Буларнинг барчаси у инсоннинг қалбимизда мангу эканлигидан далолат.

Йиғилган ёшларнинг юракларида бир сас янграётган эди гўё: «Мен у инсонга бўлган эъзоз, ҳурмат ва садоқатимиз изланиши ва интилишим, юксак мэрраларни забт этишим, юрт равнагига ҳисса қўшишим, ўзимнинг моҳир ижроларим, баркамол асарларим орқали дунё ҳамжамиятини лол қолдиришим билан исбот этаман».

Институтимизнинг барча таълим йўналишлари бўйича ўтказилган «Хотира дарслари»да Президентимизнинг хотираси барча ўғил-қизларнинг ёдидага мангу сақланиб колиши, улар Ватанинг, мустақиллигимизни кўз қорачигидек асрар-авайлаши, тинч ва осойишта кунларнинг қадрига этиши, юртимиздаги ҳамжихатлик мухитини мустаҳкамлаш — бу барча юртдошларимиз каби ёшларнинг ҳам бурчи экани таъкидланди.

Соҳибжон ҲОТАМОВ  
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 2-курс талабаси

## БҮЮК КЕЛАЖАК МАСЪУЛИЯТИ

Хурматли профессор-ўқитувчилар, талабалар, институтимиз ходимлари!



Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигини муносабиб кутиб олганинига ҳамда янги 2016-2017 ўкув йилининг бошланганига кўп бўлгани йўқ. Чорақ аср давомида мамлакатимизда, шунингдек, биз учун азиз ва қадрдан институтимизда кўлга кирилтган ютуқларни сарҳисоб қилиш, мавжуд муаммаларни ҳал этишининг аниқ илмий йўналтирилган режаларни ишлаб чиқариш барчамиздан улкан масъулиятини талаб этади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йилда нашр этилган «Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатди» деб номланган китоби, юртбошимизнинг 2016 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида алоҳида қайд этилган. Бу йилги мустақиллик байрамини «Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган эзгу номни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарбибот-ташвиқот ишлари дастури асосида ўтказилиши барчамизда кечаким эдигу бугун ким бўлганимизни англашга, бизни янги марралар сари руҳхонлигида маънавий турткни бўлди.

Дарҳақиқат, 2015-2016 ўкув йили институтимиз жамоаси учун улкан зафарлар йили бўлди. Ўқув-тарбия соҳасида, илмий-тадқиқот, ижодий ишлар борасида муайян ютуқларга эришдик. Хусусан, Талабалар Республика фан олимпиадасида «Тасвирий ва амалий санъат тарихи» фанидан талабамиз Робия Исматуллаева 3-ўринни эгаллади. Асосий ёътиборни таълим-тарбия сифатини оширишдаги бўлажак мутахассисларни янги педагогик, ахборот технологиялари асосида ўқитишга қаратганимиз туфайли битирувчи талабаларимизга бўлган эҳтиёж кучайди.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган «Олий таълим мусассасининг энг яхши педагоги» Республика танловининг институт босқичида маданият ва санъат мусассасаларини ташкил этиши ва бошқариш кафедраси катта ўқитувчиси Ваҳобжон Рустамов «Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог» номинациясида, кинотелеоператорлик ва овоз режиссёrlиги маҳорати ўқитувчиси Элдор Юлдашев «Энг яхши педагог-тадқиқотчи» номинациясида ҳамда педагогика ва психология кафедраси доценти Шохиста Самарова «Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог» номинацияси бўйича голиб деб топилди ва танловининг республика босқичида иштирок этиши учун тавсия этилди. Республика миёсида олиб борган алоҳида хизматлари

## МУСТАҚИЛИК МЕМОРИ, ҲАЛҚИМИЗ ИФТИХОРИ

Миллатни, ҳалқларни эзгу мақсад сари бирлаштира олиш, уларга тинчлик деб атальмиш буюк неъматни туҳфетиши ва бундан баҳраманд бўлиш ҳар қандай кишига ҳам насиб этавермайди. Ватан тақдири, юрт шаъни йўлида қилинган ҳар қандай эзгу амалда ҳам қаҳрамонликни, наинки қаҳрамонлик, балки юксак жасоратни топиш мушкул. Аммо биргина оддий ҳақиқат борки, буни ҳалқимиз ҳеч қаҷон унутмайди. Бизга мустақиллик ўз-ўзидан келиб қолгани йўқ. Биз ҳозирги-дек тўқис ҳаётга бирданига эришганимиз йўқ, албатта. Буларнинг асл негизида қатъий ирова, юксак матонат, доно раҳбарнинг одилона сиёсати турибди. Айни мустақиллик ҳақида гап кетганди, юртдошларимиз бу ноёб неъматни, жамики эришаётган оламшумул ютуқлар ва натижаларимизни буюк давлат арбоби, ҳалқпарвар инсон, миллат фахри, бунёдкорлик мемори, мамлакатимизнинг биринчи Президенти номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ деб билади.

1991 йил 31 август. Бу сана Ўзбекистон тарихида, ўзбек ҳалқи хотирасида, тарих зарварақларида абадул-абад муҳрланиб қоладиган унтилилмас кундир. Ҳа, бу кун хурматли юртбошимиз Ислом Каримовнинг чин маънодаги жасорати, ҳақиқий қаҳрамонлигининг ёрқин ифодасидир.

Юртбошимиз бошлаб берган тараққиёт йўли мана 25 йилдирки, дунё ёътирофида, оғир ва қийин вазиятларда, ҳалқаро даражадаги иқтисодий инқизорларга қарамай юртимиз иқтисодиёти барқарор суръатларда ўсаётганлигини кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан беш тамойил асосида бутун дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» деб ёътироф этилган Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан ислоҳ этиши ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш туфайли кенг кўламли ислоҳотларга эришидик. Айниқса, биз ўшларни таълим олишимиз ва ўсиб-улғайшимиз йўлида амалга оширилган ишларни бир сўз билан ифодалаб бўлмайди. Эскича қолип ва



мезонлардан бутунлай воз кечилган ҳолда Кадрлар тайёрлаш миilliй дастури, таълим-тарбия тизими замонавий ҳалқаро стандартларга жавоб берадиган туб ўзгаришларга йўналтирилди. Биз ёшлар меҳрибон, болажон Юртбошимизнинг доимий кўмаги ва ғамхўрлиги остида ана шундай натижаларга эришиб келмоқдамиз. Ҳар доим шу ҳақда гап кетганда, Юртбошимизнинг ҳар бир чиқишиларида биз ёшларга қарата айтган «Маррани баланд олинг, болаларим»,

деган эзгу пурмурло сўзлари ҳамон қулогимиз остида жаранглайди. Аммо бешафқат ўлим муҳтарам Юртбошимизни орамиздан олиб кетди. Бироқ у кишининг мустақиллик, юрт тинчлиги ва келгуси ҳаёт учун яратиб берган бунёдкорлик ишлари асрларга татиғулиларидир. Ҳалқимиз ҳисса вақт ичиди Юртбошимиз билан оламшумул ютуқларни гувоҳи бўлди. Аммо жасорат ва матонат билан одамларимиз қалбидан муносаб ўрин олган Президентимиз Ислом Каримовнинг ёрқин хотираси ҳамиса биз билан бирга эканлигини хис этиб турамиз.

Юртбошимиз ҳар йили мустақиллик арафасида билдирган табриклирида ҳар доим ёшларни бағирларига босиб, уларга қаттиқ, ишонишларни, қаҷонларидан улар келажаги буюк давлатнинг давомчилари бўлишига ишонч билдиради. Ва бунга жавобан ҳалқимиз, хусусан ёшларимиз Президентимиз ишончини оқлашга, у киши орзу қилган инсонлар бўлишга, мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга албатта сўз беришади.

Мустақиллик бизга баҳт келтириди, дунёга танитди ва ҳалқимизни эзгу мақсад сари бирлаштириди.

Шундай экан, бу йўlda бир-биримизга камарбаста бўлиб, бу бебаҳо неъматни қадрлаймиз. Юртимиз шаънини юксакларга кўтарамиз.

Муҳаррам БОЗОРОВА

Санъат ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 2-курс талабаси, матбуот бўлими аъзоси



Юртимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гурухини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонда институтимизнинг қўйидаги профессор-ўқитувчилари ҳам юксак унвон билан тақдирландилар.

«Ўзбекистон Республикасида

хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»

Жуманов Исоқтоя — Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти саҳна нутқи кафедраси доценти

«Дўстлик» ордени билан

Ёрбеков Эрназар Холмирзаевич — Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти мусиқали, драматик театр ва кино санъати кафедраси катта ўқитувчиси



учун институт профессор-ўқитувчиларидан саҳна нутқи кафедраси доценти Исоқтоя Жуманов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» унвони, мусиқали, драматик театр ва кино санъати кафедраси катта ўқитувчиси Ёрбеков Эрназар Холмирзаевич «Дўстлик» ордени билан мукофотландилар.

Ютуқларга, муваффақиятларга эришиш мумкин, аммо уни ушлаб қолиш, янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш ўта қийин жараён. Биз барчамиз 2016-2017 ўкув йилида ана шу ҳақиқатни ёддан чиқармаган ҳолда меҳнат қилишимиз лозим.

Бу йўлида институтимизга юртимизнинг энг иқтидорли, қобилиятли ўғил-қизларимиздан 282 нафар бакалавр ва 29 нафар магистр талаба сифатида қабул қилинди. Уларга юксак талаблар асосида таълим, тарбия бериш, иқтидорини очиш, қалбларига эзгулик уруғларини экиш, биз, профессор-ўқитувчиларнинг олдидаги энг катта, масъулиятли вазифа ҳисобланади.

Ана шу мураккаб, айни пайтда шарафли ишда барча профессор-ўқитувчилар, ходим-хизматчилар, талабаларга мустаҳкам соғлиқ, ижодий ютуқлар ёр бўлишини тилайман.

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ**  
Институт ректори

## «ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИННИГ ЭНГ ЯХШИ ПЕДАГОГИ» ТАНЛОВИННИГ ИНСТИТУТ БОСҚИЧИ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги 32-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта максус таълим вазирлигининг 2016 йил 30 марта «Олий таълим мусассасининг энг яхши педагоги» умумレスпублика танловини ўтказиш тўғрисидаги 131-сонли бўйрги ижросини таъминлаш мақсадида институтимизнинг 2016 йил 18 январдаги 18-У-сонли бўйрги қабул қилинди. Ушбу бўйруқ асосида «Олий таълим мусассасининг энг яхши педагоги» танлови тўғрисидаги Низомига мувофиқ, институтда 2016 йилнинг 1 апрелидан 30 майга қадар тегишли таълим соҳалари бўйича



«Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог», «Энг яхши педагог-тадқиқотчи», «Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог» номинациялари бўйича танловининг институт босқичини ўтказиш юзасидан чора-тадқиқлар режаси ишлаб чиқилди ва маъстуслар белгиланди.

2016 йил 1 апрелидан 5 апрелигача танловининг институт босқичини ўтказиш бўйича мутахассислардан иборат танлов комиссияси таркиби шакллантирилди ва тасдиқланди. 5 апрелдан 15 апрелгача институтда мавжуд тегишли таълим соҳалари ва номинациялар бўйича иштирокчилардан ариза ва хужжатлар қабул қилинди. 15 апрелдан 20 апрелгача танлов комиссияси томонидан иштирокчилар тақдим этган хужжатлар таҳлил қилинди.

25 апрелдан 15 майгача танлов иштирокчиларининг очиқ машғулотлари ташкил этилди ва баҳоланди. Танлов иштирокчиси томонидан академик гуруҳда Танлов комиссияси вакили иштирокчидан очиқ дарс ўтказилди ва унинг якуни бўйича ўтказилган очиқ дарс сифатига мазкур Низомининг 3-иловасидаги мезонлар 23-24 бандларида белгиланган талаблар асосида тегишли баҳо қўйилди. Иштирокчилар илмий-услубий, маънавий-маърифий, илмий тадқиқот ишларининг тақдимотини ўтказиши.

Танлов натижаларига кўра «Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог» номинацияси бўйича маданият ва санъат мусассасаларини ташкил этиши ва бошқариши кафедраси катта ўқитувчиси Ваҳобжон Рустамов, «Энг яхши педагог-тадқиқотчи» номинацияси бўйича кинотелеоператорлик ва овоз режиссёrlиги маҳорати кафедраси ўқитувчиси Элдор Юлдашев ҳамда «Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог» номинацияси бўйича педагогика ва психология кафедраси доценти Шохиста Самаролова, голиб деб топилди ва танловининг кейинги республика босқичига тавсия қилинди. Голиблар Низомда белгиланган миқдорда бир марталик моддий рафбатлантиришга тавсия этилди ва маҳсус сертификат билан тақдирланди.

**Умид ҲАСАНОВА**  
Таҳририят ва наприёт бўлими мухаррири

## 2015-2016 ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАРИ ВА 2016-2017 ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК

2015-2016 ўқув йили давомида институтда ўқув ишлари Олий таълим тизимиға қўйилган талаблар асосида олий борилди. Якунланадётган ўқув йилида 29 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 14 та магистратура мутахассисликларида дарс жараёни 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган 32-36 соатлик ўқув режалари асосида ташкил этилди.

2015-2016 ўқув йилида ўқув жараёни Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»да белгиланган вазифалар, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Маданият ва спорт ишлари Вазирликларининг ўқув жараёнига оид меъёрий хужжатларига ва институт ректорининг бўйруқ ва кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ташкил қилинди.

2015-2016 ўқув йилида барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида жами 1304 нафар, шунданд 29 та бакалавриат таълим йўналишларида 1218 нафар талаба ва 14 та магистратура мутахассисликларида 86 нафар талабалар таҳсил олди.

2015-2016 ўқув йилининг иккичи ярам ийлилк якунларига кўра факультетларда фанлардан талабаларнинг ўзлаштириши кўрсаткичлари институт бўйича 98%ни ташкил этди.

Барча таълим йўналишлари ва мутахассисликларида талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги (ОЎМТВнинг 2010 йил 25 августдаги № 333-сонли бўйруги билан тасдиқланган) Низомга мувофиқ баҳолаш турлари бўйича фанлар кесимида назорат саволлари ва тестларнинг электрон базаси шакллантирилиб ўқув жараёнига жорий этилди. 2016-2017

ўқув йили олдидан институт таълим йўналишлари ва мутахассисликлари аттестация ва акредитациядан ўтди.

2016-2017 ўқув йилига тайёргарлик ишлари ўтган ўқув йилининг якунидан бошлаб юборилган бўлиб, ўтган давр мобайнида институттинг мавжуд 26 та бакалавриат таълим



йўналишлари ва 16 та магистратура мутахассисликларининг ишчи ўқув режалари қайта кўриб чиқилиб, 2016 йилнинг 29 июнь куни институттинг Илмий Кенгашида тасдиқланди. Бошланаётган ўқув йилида 19 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 14 та магистратура мутахассисликларининг Малакавий талаблари ва намунавий ўқув режалари ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қосидаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар

таълимини ривожлантириш марказига тасдиққа тавсия этиш масаласи кўрилмоқда. Тасдиқланган ишчи ўқув режалар асосида 2016-2017 ўқув йили учун дарс жадвали шакллантирилиб, якунига етказилди. Институтдаги машгулотларни олиб бориш учун ажратилган 93 та аудиториялар фанларнинг хусусиятидан келиб чиқиб дарс жадвалида тақсимланди. 2016-2017 ўқув йили учун кафедралар кесимида ўқув соатлари ҳисоб-китоб қилинганда 189293 соатни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2014 йил 10 майдаги Ҳайъат қарори (3/1-сонли) ижросини таъминлаш мақсадида фанларни модул асосида ўқитишини ташкиллаштириш, кейс-стади асосида ўқув машгулотларни такомиллаштирилган усусларда ташкил этиши, фанлар бўйича модулларнинг таркибий қисми сифатида силлабуслар ишлаб чиқиши ва маълумотларни ички (Интернет) платформаларини ташкил этиши ишларини барча кафедраларда жорий йилнинг август-сентябрь ойининг охирiga қадар ҳар бир кафедрада ўқитиладиган фанларни модул тизимиға киритиши мухим масаласи қаралмоқда.

Янги ўқув йилида талабалар учун тест саволлари, мустақил ишлар, курс ишлари вариантилари ва уларни баҳолаш мезонлари хамда услубий кўрсатмаларни тайёрлаш, ҳар бир кафедрада ўқитиладиган барча фанлар бўйича ишлаб чиқилиш ўқув-услубий материаллари тақдимотини ўтказиш масаласи кўрилмоқда. Юқорида қайд этилган вазифаларни бажарища институтимиз профессор-ўқитувчиларига куч-куват тилаб қоламан.

**Абдурасул ЎРОЗОВ**  
**Ўқув бўлими бошлиғи**

## ТАЛАБАЛИК — ОЛТИН ДАВРИМ!



### Муносиб фарзанд бўлайлик!



Бир неча ийлилк тайёргарликдан сўнг, шу йил мен Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг ижтимоий-маданий фаолият бўлиминга давлат гранти асосида ўқишига қабул қилинди. «Яхши ният — ярим давлат» деганларидек, ниятни холис қилиб, эндиги кучни ўқишига, пухта билим олишига қаратишни жоиз деб биламан. Устозлардан олган билим ва тарбия келажакда ўз натижасини беради. Демоқчиманки, биз ёшларга Президентимиз томонидан белгилаб берилган фамхўрлик ва яратилган барча шарт-шароитлардан фойдаланиб, катта-катта режа ва лойиҳаларни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган ҳолда ишлашимиз, юртимизнинг эртаси учун янада фаолроқ бўлишимиз, халқимизга, ота-онамизга муносиб фарзанд бўлиш ўйлида интилоғимиз даркор.

**Ситора ТОШПУЛАТОВА**  
**Ижтимоий-маданий фаолият таълим йўналиши 1-курс талабаси**



### Ниятишга етдим

Орзу, умид, ният, армон. Ҳа, мен бугун орзу қилган, умид қилган ниятишга етдим, армонларим ушалди. Яъники, мен ёшлигимдан ҳавас қилган санъат институтига шу йил ўқишига кирдим, талаба бўлдим. Касблар кўп, аммо инсон ўзи орзу қилган касбига ёришишини энг олий баҳт деб ҳисоблайди. Онамнинг айтишларига қаранганд, бешикда ётганимда ҳам қўй ва кўшиклар сехрига кулоқ тутиб ухлар эканман. Келажакда ашула ва рақс гуруҳлари очиб, санъатимизнинг янада гуллабашнаши учун устозларим ўтитига кулоқ тутиб, тинмай изланаман ва ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишишга ҳаракат қиласман.

**Ўлмас АЗИМОВ**

**Халқ ижодиёти. Ашула ва рақс таълим йўналиши 1-курс талабаси**



### Умидларим чексиз

Мен Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг «Очиқ эшиклар куни» муносабати билан ўтказилган тадбиридан руҳланиб, «Шу даргоҳга кириб ўқийман» — деган ўй билан институттинг вокал бўлимига ҳужжат топширган эдим. Имтиҳонлардан муваффақияти ўтиб талаба бўлдим. Ота-онамни, айниқса, ўзимнинг хурсандчилиги бекиёс. Юртимизда ёшлар учун яратилган кўпгина шарт-шароитлар инсонни янада кўпроқ ўқишига, яхши ишлашга унлади. Келажакда етук мутахассис бўлиш учун устозларимдан илм сирларини пухта ўрганиб, албатта юртимиз санъатини баланд чўққилар сари олиб чиқиши ўз ҳиссамни қўшаман, деб умид қиласман.

**Рушана ШОКАРИМОВА**

**Касбий таълим: вокал таълим йўналиши 1-курс талабаси**



### Талаба бўлдам

Талабалик — олий баҳт. Ушиб туশунча ҳар бир қалб эгасини тўлқинлантиради, қувонтиради, олий мақсад сари илм чўққиларини эгаллашга унрайди. Ҳа, мен ҳам шу йил талаба бўлиш шафарига муюссар бўлдим. Қувончу шодликларим бир дунё. Келажакда устоз-мураббийларимиздан илм сирларини пухта ўрганиб, Ватанимизнинг равнаки йўлида хизмат қилиб, маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш йўлида тинмай изланаман, ўқийман, ўрганаман ва ўз касбим бўйича юқори натижаларга ёришишга ҳаракат қиласман.

**Умода УСАНОВА**  
**Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши 1-курс талабаси**



### Шукронা

Юртимиз мустақиллигининг 25 ийлилк байрами арафасида талаба бўлишдек олий мақсадимга эришганим мен учун жуда катта муваффақият бўлди. Ўзим орзу қилган Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг кинооператорлик бўлимига ҳужжат топширган кунимдан бошлаб, ўзимни баҳтиёр ҳис этиб, яхши ниятгар билан имтиҳонларга қизғин тайёргарлик кўрганим ўз натижасини берди. Келажакда ўз касбимга муносиб мутахассис бўлиб етишишга интиламан.

**Давлатбек ЎРОЗАЛИЕВ**  
**Кинооператорлик таълим йўналиши 1-курс талабаси**



### Орзуга айб ўйқ

«Орзуга айб ўйқ» — дейди доно ҳалқимиз. Ҳақиқатда кимки ёшлигидан ниманини орзу қилган бўлса, шунга интилса, албатта, ўз орзусига ёришишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Анча йиллардан буён ўзим ҳавас қилган таникли режиссёр Замира Бегимқуловага ҳурматим жуда баланд эди. Келажакда мен ҳам Замира опадек чиройли кино, сериаллар ишлашини ўз олдимга мақсад қилиб қўйғанман ва албатта бунга ёришишаман, деган умиддаман.

**Феруза БЕКМУРОДОВА**  
**Кино ва телевидение режиссёrligi таълим йўналиши 1-курс талабаси**



### Қўшаюлө дайрам

Жаннатмакон юртимизнинг 25 ийлилк Мустақиллиги арафасида менинг талаба бўлишим мен ва ота-онам, яқинларим учун эса қоларли қўшаюлө байрам бўлди. Юртимизда барча соҳаларда юксак ўзгаришлар, кўриб қўзингиз қувнайдиган даражадаги ривожланишлар ва айниқса, биз ёшларга барча шарт-шароитларнинг яратилиши дунёдаги энг баҳтиёр ёшлар эканлигимиздан далолат беради. Қайси бир соҳага қараманг, барчасида ўсиш, янгиланиш, ривожланиш. Жумладан, санъат соҳасида ҳам худди шундай. Мен мазкур институтни тутагиб, келажакда санъат ва маданият соҳасини ривожлантириш, Ватанимиз равнаки йўлида хизмат қилишга бор куч ва билимимни сарфлашга тайёрман.

**Достонбек НЕЪМАТОВ**

**Эстрада ва оммавий томошалар режиссёrligi таълим йўналиши 1-курс талабаси**



### Ҳолис ният

Мен Республика рассомчилик коллежини муваффақиятли битириб, ёшлигимдан орзу қилган Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига ҳужжатларимни топширдим. Маданий ҳордиқ сифатида ота-онам кичиклик пайтимиздан доимо бизни қўғирчоқ, театрига олиб борарадилар. Ўша пайтдан театрга, айниқса, актёр-актисаларнинг ижодларига жудаям қизиқишим органи сабабми, албатта мен ҳам қўғирчоқ театри актисаси бўламан, деб орзу қиласман. Аллоҳга шукр, ниятим ҳолис эканки шу йил ўзим орзу қилган севимли масканим санъати ва маданият институтининг қўғирчоқ актёrligi санъати бўлимига ўтиш қирдим. Мен ва ота-онам бундан баҳтиёрмиз. Келажакда албатта, ўз соҳамнинг етук мутахассиси бўлиб, ижодим билан болажонлар мөхрини қозонаман, деган умиддаман.

**Мухлиса АБДУВАЛИЕВА**

**Қўғирчоқ актёrligi санъати таълим йўналиши 1-курс талабаси**

**Ў**збекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг 4.5 банди талабларига мувафиқ институтда таҳсил олаётган талabalар орасидан мутахассислик ва умумкабсий фанлар бўйича ўз қобилиятини намоён этиш, ривожлантириш ва кўллаб-куватлаш ҳамда Олий ва ўрга-махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 29 мартааги «2016 йилда олий таълим мұассасалари талabalari Республика фан олимпиадасини ташкил этиши ва ўтказиш тўғрисида»ги 129-сонли бўйрганинг ижросини таъминлаш мақсадида институт ректори томонидан 2016 йил 2 апрелда 115-У-сонли ички бўйруғи чиқарилди. Ушбу бўйруқча асосан 2016 йил апрел ойида институтда талabalар фан олимпиадасининг биринчи босқичи ўтказилди. Биринчи босқич 6 та йўналиш бўйича ташкил қилинди.

Талabalar Республика фан олимпиадаси Низоми, ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезони билан таниширилди. Институт бўйича фан олимпиадасининг биринчи босқичида жами 62 нафар талaba иштирок этди. Фан олимпиадасининг биринчи босқичи Республика фан олимпиадаси Низомига асосан 4 тур бўйича ўтказилди.

Хар бир фан бўйича ўтказилган олимпиадада малакали профессор-ўқитувчилар ва тажрибали мутахассислардан изборат

П босқичида иштирок этиш учун кино, ТВ ва радио санъати факультети 2-курс талабаси Ёдгоров Шехроуз Шайдуллоевич (илмий раҳбари — катта ўқитувчи Содикова Муқаддам Исломовна) лойиқ топилиб, 2016 йил 11-12 май кунлари бўлиб ўтган олимпиадада мұваффақиятли иштирок этди ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Рус тили фани бўйича Кўқон давлат педагогика институтидан бўлиб ўтган Республика фан олимпиадасининг II босқичида иштирок этиши имкониятини ќўлга киритган халқ ижодиёти факультети 1-курс талабаси Абдураҳимов Иброҳим Абдунаби ўғли (илмий раҳбари — катта ўқитувчи Абдухаликова Дилғуз Абдумажидовна) 2016 йил 16-17 май кунлари бўлиб ўтган олимпиадада мұваффақиятли иштирок этиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Институт саралаш босқичи голиби кино, телевидение ва



Талabalар Республика фан олимпиадаси голиби —  
Исматуллева Робия  
Абдулла қизи

## Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўтказилган

4-5 кишилик ҳакамлар ҳайъати тузилиб, тегиши кафедралар томонидан олимпиада таркибига киритилган фанлар бўйича ёзма иш ва тест синовларини фан дастурига асосланган ҳолда ишлаб чиқилди. Фан йўналишлари бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган талabalarga 1-2-3-ўринилар берилди. Хар бир йўналиш бўйича 1-ўринни ёзалигага талabalар Республика фан олимпиадасининг иккинчи босқичига тавсия қилинди.

Инглиз тили фани бўйича Самарқанд давлат чет тиллар институтида бўлиб ўтадиган Республика фан олимпиадасининг

радио санъати факультети, театр-шунослик бўлими 4-курс талабаси (ҳозирда санъат назарияси ва тарихи мутахассислиги 1-курс магистранти) Исматуллева Робия Абдулла қизи Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида ўтказилган «Гасвирий ва амалий санъат тарихи» фани бўйича 3-ўринни ќўлга киритди. У 3-даражали диплом билан тақдирланди.

Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА  
Маънавият ва маърифат бўлими бошлиги

**Т**уни билан ёққан қорга тонг саҳардан бошлаган аччиқ совуқ «газак» бўлди. Ҳавонинг кайфияти таъбимни бузди-ю, аммо ишга бормасам бўлмайди. Иссик кийимларимни кийиб, йўлга отландим. Кўча кутганимдан анчайин совуқ, Уйимдан бекатга етиб келгунча, портфель кўтарган кўлим совуқдан увущиб, қони қочди. Йўлда одам кам, борлари ҳам бирор ёққа, хуллас, ҳамма ҳар томонга шошган. Мен ҳам башка инсонлар сингари автобустга миниб ўйлимга равона бўлдим. Куннинг ўрталарига бориб ҳаво бирор илди. Лекин бу узоқча чўзилмади. Ишдан қайтар маҳалим жўрттага қўлгандек аёз бошланди. Яна ўша автобус, ўша бекат, ўша ўриндиқ, унинг остида очликдан тиришиб қотган ит боласи, ёнбошида эса бир бўлак музга айланган қушча ётарди. Улар харакатсиз, улар мурда, лекин кўзлари нон бўлгадига. Ўриндиқ устида эса нон бўллагини чўқилаётган қушлар галаси.



Йўлда одам кам, борлари ҳам ҳамма ҳар томонга шошган. келди-ю, лекин бирор аввал чўнтагимга солган ќўлларимни иссиқдан чиқаргим келмади. Йўлда одам кам, борлари ҳам бирор ёққа, бирор бу ёққа, хуллас, ҳамма ҳар томонга шошган. Мен ҳам башка инсонлар сингари автобустга миниб ўйлимга равона бўлдим. Куннинг ўрталарига бориб ҳаво бирор илди. Лекин бу узоқча чўзилмади. Ишдан қайтар маҳалим жўрттага қўлгандек аёз бошланди. Яна ўша автобус, ўша бекат, ўша ўриндиқ, унинг остида очликдан тиришиб қотган ит боласи, ёнбошида эса бир бўлак музга айланган қушча ётарди. Улар харакатсиз, улар мурда, лекин кўзлари нон бўлгадига. Ўриндиқ устида эса нон бўллагини чўқилаётган қушлар галаси.

Йўлда одам кам, борлари ҳам ҳамма ҳар томонга шошган.

Обиджон РЎЗИБОЕВ  
Саҳна ва экран санъати  
драматургияси таълим йўналиши  
3-курс талабаси

туриб насибасига бир қадам етмаган ит боласига, очиги, ачиндим. Аммо кўклини забт этган, абжирлиқда рақибидан ўзган, ҳатто егулигини оёклари остида босиб туриб, келгандан бўён тумшугини тиқиллатиб музлаган нонга ураётган қушчанинг ҳам ахволига ҳавас қилиб бўлмайди. Буларга ёрдам бергим

кезларим яна ва яна соҳил томон боравераман. Чунки соҳилни мен қандай хоҳласам шундай кўринишда, яъни gox кўмли, gox тошли. Денгиз эса gox яшил, gox менинг севимли рангим бўлган мовий рангда.



Қоятошлар эса доим оқ рангдаги турли шаклларда намоён бўлади. Энг асосийси, мен қандай ўйласам соҳил худди шундай гавдаланади кўз олдимда. Яқиндан эса дентизда босиб ўтган ҳётар зарварақлари акс этган кемалар пайдо бўлди. Уларнинг сони 19 та. Улар доим соҳилга борганимда ўтган умрим давомидаги баҳтила ва ташвишилар онлар хотираларини жонлантиради. Шу сабаб кемаларга қараб, топган инсонларимни эслаб қувонсан, ўйқотган ва кўра олиш имконим бўлмаган инсонларимни эслаб ўйграйман. Хуллас, ҳар гал кўнгил соҳилимга бормоқчи бўлсан кўзларимни юмиб ўша ерда танҳо пайдо бўламан. Сўнг эса яна шовқинли одамлар олдига ўзимда кучли ишонч ва лабда кулиги билан қайтаман. Истайманки, ҳамманинг кўнгил соҳили обод ва озод бўлсин! Мовий осмонида оқ орзу каби оқ каубатлар парвоз этаверсин!!!

Хулкар ЎРАЛОВА  
Ижтимоий-маданий фаолият таълим йўналиши 2-курс талабаси

**К**унимиз аксарият ҳолларда ўқиши, иш, уй юмушлари-ю, ҳётар ташвишлари билан ўтади. Ана шу бир кун ойларга, ойлар эса йилларга ўз ўрнини бўшатиб беради. Ўтиб бораётган умрим давомида шундай вазиятлар бўлади, ёлғиз қолишини истайсиз. Ана шундай онда сизга фақатгина кўнгил соҳилигини таскин беради олади. Зеро, ўзингиздаги мұаммоларни фақатгина кўнглингизгина сеза олади ва тўғри қарор қабул қилингизда ўтади. Қўнгил соҳилини нима экан деб ўйларсиз. Мен ҳам буни олдинлари билмагандим. Илк

бор талаба бўла олмай университет остоносидан қайтган он ўзимни миллионлаб одамлар орасида кўринмай кетаётган инсондай ҳис қилган куним беҳос кўнгил соҳилимга бориб қолганман. Гўёки ҳётарда ҳеч кимга ёрдамига тега олмайдиган кераксиз инсондай туолганда кўзларимдан томган кўз ёшлар илия яралган денгиз мавжулари хәйларимни олганди. Биргина шу мавжулар ҳар бир қабул қиласига ўтаришга ҳўянига ўндағанди. Ҳаётда тўғри қарор қабул қилишга ўргатганди. Кўнглимнинг синиқ бўлакларидан яралган қоятошларга урилаётган тўлқинлар қатъиятилиги эса мени ўзимга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Ўзимга бўлган ишончни ҳис қилиш эса мени келажакда катта ютуқларга эриши олиш кўлимдан келишига умид берди. Шу бўйи анча вақт кўнгил соҳилимда қолиб кетганди. Кўнгил соҳили ҳамма одамларда мавжуд. Фақатгина кимдир унга эртароқ, кимдир эса кеч ўйл топади. Ҳар сафар ўзимга бўлган кучли ишончни туйган

## Соҳилга ўйл...

Коятошлар эса доим оқ рангдаги турли шаклларда намоён бўлади. Энг асосийси, мен қандай ўйласам соҳил худди шундай гавдаланади кўз олдимда. Яқиндан эса дентизда босиб ўтган ҳётар зарварақлари акс этган кемалар пайдо бўлди. Уларнинг сони 19 та. Улар доим соҳилга борганимда ўтган умрим давомидаги баҳтила ва ташвишилар онлар хотираларини жонлантиради. Шу сабаб кемаларга қараб, топган инсонларимни эслаб қувонсан, ўйқотган ва кўра олиш имконим бўлмаган инсонларимни эслаб ўйграйман. Хуллас, ҳар гал кўнгил соҳилимга бормоқчи бўлсан кўзларимни юмиб ўша ерда танҳо пайдо бўламан. Сўнг эса яна шовқинли одамлар олдига ўзимда кучли ишонч ва лабда кулиги билан қайтаман. Истайманки, ҳамманинг кўнгил соҳили обод ва озод бўлсин! Мовий осмонида оқ орзу каби оқ каубатлар парвоз этаверсин!!!

Хулкар ЎРАЛОВА  
Ижтимоий-маданий фаолият таълим йўналиши 2-курс талабаси

## Муассис

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир  
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир ҳайъати:  
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА  
Ҳамдам ИСМОИЛОВ  
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА  
Ўмида ҲАСАНОВА  
Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ  
Рашид УСНАТОВ  
Муҳаррир БОЗОРОВА  
Саҳифаловчи-дизайнер:  
Ўмида ҲАСАНОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани, Ялонгоч мавзеси, 127 А уй  
Тел.: +99890 349 71 72;  
+99871 230 28 13  
[www.dsmi.uz](http://www.dsmi.uz); [dsmi\\_info@olam.uz](mailto:dsmi_info@olam.uz)

Газета ҳар ойнинг охирги йафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.  
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқота ҚФЙ, Машъъал маҳалласи, Марказ — 1.  
Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан  
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

Газета институтнинг таҳририят ва нашриёт бўлимида тайёрланди. Ўлчами — А3, ҳажми — 2 босма табоқ. Нусхаси — 1400 дона. Баҳоси келишилган нарҳда. Чоп этишига 09.09.2016 да топширилди.

1 2 3 4 5



Ёруғ тонглар сирға тақсан наҳорларда,  
Саҳий қўёш нур улашган саҳарларда,  
Бу диёрнинг мукаддас, пок бўйлари бор,  
Момоларим тақсан асл туморларда.  
Дунёга зеб берган садарайҳон ўзинг,  
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг.  
Не баёттир жонбахш қўшик, аллаларинг,  
Естиғинга қўёш кўнган паллаларинг.  
Кўзмунҷоқди жаннатий тўрт фаслинг аро,  
Кўзларига ҳайрат тўлган болаларинг.  
Ҳар кимга ҳам насиб этмас бўстон ўзинг,  
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг.  
Ҳаётимиз тангри берган неъмат бўлур,  
Савоб қўлсак умримизга неъмат бўлур.  
Эл юкини елкаласак оғринмайин,  
Дуога қўл очсанг қанча қувват бўлур,  
Етимиш иккى томирдаги дармон ўзинг,  
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг.  
Синовдир бу кимлар келиб, ким кетмаган  
Ҳавас қилиб кимлар етиб, ким етмаган,  
Бешигида авлиёлар ўсган элнинг —  
Дуо истаб қўлларидан ким тутмаган.  
Етимиш иккى томирдаги дармон ўзинг,  
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг.  
Аслим билинг — битта яхлит юракмиз биз,  
Пахтадай оқ, сувдай тиниқ тилакмиз биз.  
Икки дунё тақдиримиз шу заминда —  
Фақатгина шу Ватанга керакмиз биз.  
Замон ўзинг, макон ўзинг, жаҳон ўзинг —  
Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг.

Сайёра ТЎЙЧИЕВА  
Маданият ва санъат мұассасаларини ташкил  
етиши ва бошқариши кафедраси профессори

## СОҒЛОМ БОЛА ДУНЁГА КЕЛСА



Соғлом бола дунёга келса,  
Нурга тўлиб ёришар олам.  
Хонадонни файзга тўлдириб,  
Унга меҳрин беради одам.

Соғлом бола дунёга келса,  
Кулгусидан куртаклар дарахт.  
Фаришталар сочларин силаб,  
Тортқи этар унга олий баҳт.

Соғлом бола дунёга келса,<br